Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 17 (8757).

22 январь 1986 йил чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

СЪЕЗДОЛДИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЯНАДА АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

XXVII

• ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

• 15 ФЕВРАЛЬ—БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

ШАНБАЛИК ТЎЛҚИНИДА

Беш йиллик фондига

Республикамиз пойтахтидаги 3-автобус парки коллективи ҳам партия XXVII съезди шарафига ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юборди. Ишчи-хизматчилар шу куни оддий кунлардагига нисбатан меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришишга аҳд қилдилар. Улар шанбаликда 112 та ўрнига 116 та автобусни шаҳар маршрутларига чиқаришади.

Корхонанинг илғор бригадалари коллективлари шу куни меҳнатда юксак унумга эришиш юзасидан мажбуриятлар олдилар. Жумладан, М. Мадалиев ва И. Ҳасановлар бригадирлик қилаётган 43-экспресс, 29-автобус маршрутлари ҳайдовчилари меҳнат байрами куни нормани бир ярим баравардан бажариш ташаббуси билан чиқдилар.

Шу куни автокорхонада кенг кўламда ремонт ишлари ҳам амалга оширилади. Топшириқдагига қўшимча иккита автобус ва иккита двигателнинг узатиш қисмлари ремонтдан чиқарилади. Тушган 500 сўмликдан кўпроқ иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

И. ФАТТОҲОВ.

Сменада икки норма

«Таштекстиль м а ш» заводининг зарбдорлари — слесарь Г. Васильев, қуювчи А. Соловьев ва бошқалар КПСС XXVII съездига бағишланган шанбаликда бир сменада икки норма бажаришга қарор қилдилар. Иккиярим мингдан кўп меҳнаткаш меҳнат байрамини иш ўринларида ўтказади. Улар шу куннинг бутун маҳсулоти — тўқимачилик машина-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, халқ истеъмол молларини бепул тайёрлаб, ишланган маблағларни беш йиллик фондига ўтказиш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

Штаб иш бошлади

ИТТИФОҚИМИЗНИНГ илғор саноат корхоналари коллективларининг КПСС XXVII съезди шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини Тошкентдаги асбобсозлик заводи коллективи ҳам мамнуният билан кутиб олди. Корхонада шанбаликни ўтказиш бўйича 12 кишилик штаб тузилди. Штабга завод маъмурияти, жамоат ташкилотлари ва ишчиларнинг вакиллари киритилди. Йигирмата пунктдан иборат тадбирлар белгиланди. Меҳнат байрами кунида 834 киши иштирок этиб, шундан 600 нафар ишчи бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлади. Қолганлари эса ободончилик ишлари билан машғул бўладилар. Шу куни жами 32 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, шундан 6 минг сўмлиги кенг истеъмол буюмлари бўлади.

Умумҳашарига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Корхонанинг кўзга кўринарли жойларида шанбаликка бағишланган, шу куни унумли ва сифатли ишлашга даъват этувчи шиорлар, плакатлар осиб қўйилди. Коллектив шанбалик куни ишлаб топилган маблағнинг ҳаммасини беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилди.

А. ҒУЛОМОВ.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

ҚИЁТ ҚИЗИ

Бусалима Қиёт қизи. Шу қишлоқда ўрта мактабни тамомлади, шу ердан парвоз этди.

Бир куни у синфдош дугоналари Роҳатой Маматқулова, Норбуви Шоймонова билан мактабдан қайтар экан, кечагина бўш ётган далаларда бугун униб чиққан мурғак ниҳолларни кўриб баҳри дили очилиб кетди.

— Худди ипга тизилгандек-а,— деди у яшил кўчатларга завқ билан қараб.

— Буларнинг шундай текис чиқишида даданг Турдибой отамизнинг хизматлари катта,— қўшиб қўйди кўчатларни кузатиб келаётган кекса пахтакорга имо қилиб Норбуви.

Бусалима отаси томон ўйчан қараб, хаёлга чўмди.

— Отам кексайиб қолаяптилар, илгари раис бўлганлар, отни йўрттириб, даламадала юрганларини жуда кўп кўрганман. Энди ҳосилот советининг раиси. Яқинда пенсияга чиқмоқчилар.

Бусалима бироз сукут сақлаб яна давом этди:

— Биз яқинда мактабни битирамиз, аттестат оламиз. Кейин нима қиламиз?

— Шаҳарга, институтга борамиз,— деди Роҳатой.

— Йўқ — деди юзини пахтазор томон буриб Бусалима,— мен пахтакор бўламан. Агар хоҳласанглар колхозга биргаликда ариза бериб, биргаликда пахта етиштирамиз...

Қизларнинг ўша аҳдига ҳозир қарийб 20 йил бўлаяпти. Бугун уч дугона колхознинг тажрибали пахтакорлари бўлиб, элга танилишган.

— Биринчи йили қийинчиликларга дуч келганлигимни ҳалиям эслайман,— деди биз билан суҳбатда Бусалима.— Кўп ишлар қўл билан бажариларди. Салима Худойқулова, Шарофат Қурбонбоева каби теримчиларга генглашиш жуда ҳам қийин эди. Лекин бўш келмадим. Аввалларги мавсумда 5—6 гоннадан пахта терган бўлсам, кейинги йилларда 12—13 тоннага етказдим. Дугоналарим ҳам терим нормаларини ошириб бажарадиган бўлишди.

Бусалима оиланинг тўнғич фарзанди. Онаси Ҳадича ая ўн фарзандни боқиб вояга етказган қаҳрамон она. Отаси 1933 йилда Сирдарё соҳилидаги ташландиқ Султонҳовуз ерларида «Қизил пахтачи» колхозини тузган, умрининг охиригача қўриқ ерларни ўзлаштириб, Ватанга «оқ олтин» етказиб беришда фидойилик намуналарини кўрсатган, Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат Белгиси орденлари билан мукофотланган пахтакор эди. Бусалима далада ишлаётган вақтида «мен дадамларга ўхшаб мўл пахта етиштираман» деб аҳд қиларди.

Ўқишни битириб, илғор теримчилар сафига қўшилгач, у КПСС аъзолигига қабул қилинди. Кейин колхозчи хотин-қизлар орасида кўпмингкилограммчилар ташаббускори бўлиб, ҳар йили пешқадамликни қўлдан бермади. Тозагул Беболаева, Холдон Мамадалиева каби ёш пахтакорларга ўз тажрибасини ўргатиб, уларни ҳам мавсумда 6 тоннадан ошириб пахта терувчи илғорлар қаторига олиб кирди.

Бусалима пахтани қўл билан териш билан бирга, машина бошқаришни ҳам ўйларди. Колхозда ташкил этилган олти ойлик механизаторлар тайёрлаш курсига ўқишга кириб, техника сирларини пухта ўрганиб олди. Сўнг уни бригадага бошлиқ қилиб кўтаришди. 50 гектар ер беришди.

Лекин ерлар шўр босган, кам ҳосилли эди. Бусалима колхознинг кекса, тажрибали пахтакорлари, юқори ҳосилли бригада бошлиқлари Қурбон ота Иброҳимов ва Бегмон ота Назарқулов далаларида бўлиб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганди. Ҳар йили катта пахта майдонларидан юқори ҳосил кўтариб келаётган бу илғор бригадаларга генглашишга ҳаракат қилди. Бусалиманинг турмуш ўртоғи коммунист Мурод Холбеков бригаданинг моҳир механизатори эди. Унинг ғайрати билан чигит вақтида экилди, ғўза кўчатлари текис ундириб олинди, яхши парвариш қилинди. Бригада 28 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариб, мажбуриятларини ошириб бажарди.

Кечаги кўпмингкилограммчи теримчи бугун илғор бригада бошлиғи. Бусалима билан суҳбатлашганимизда, фақат ўз бригадасини ўйламайди. Колхоз, район пахтакорларининг ишини ҳам ўз бригадаси ишидай дилига яқин кўради.

— 1985 йилда районимиз ҳам, колхозимиз ҳам аҳд қилган ҳосилни етиштира олмади,— дейди у.— Бир қанча камчиликларга йўл қўйилди. Мен райком аъзоси сифатида районимиз пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил кўтариб, илғорлар қаторида бўлишини ўйлайман. Янги беш йиллик ғалабаларимиз йили бўлишини орзу қиламан. Колхозимизда ўтган йиллари ерни кенгайтирамиз деб, бир қанча зовурларни кўмиб юборишди. Бу ҳолат ерга салбий таъсир қилди. Заҳкаш карталар пайдо бўлди. Қумлоқ ерларимиз ҳам бор. Бекобод шамоли баҳор пайтида кучайиб, тупроқни қуритиб юборади. Биз бу ҳолатларни ҳисобга олиб, 1986 йилда «АН-Боёвут-2» навли чигит экмоқчимиз. Ундан мўл ҳосил олишимиз шубҳасиз.

Ўтган йили колхоз 4 миллион сўмга яқин даромад қилди. Бригадаларда пудрат усули жорий қилинди. Бу усулни биринчи бўлиб Бусалима Турдибоева ўз бригадасида бошлади. Ҳосилнинг натижасига қараб, меҳнат ҳақи тақсимланяпти. Бригаданинг 19 аъзоси ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилаяпти.

— Бусалима биринчи йил бригадани бошқаришига қарамай, 15 та пахтачилик бригадасидан ўтиб кетди,— дейди колхоз раиси Б. Ўтанов.— Бу йил ҳам интилиши зўр.

Қиш янги ҳосилга замин тайёрлаш фасли. Бригада аъзолари ариқ-зовурларни тозалаб, далага маҳаллий ўғитни кўпроқ жамлаш тараддуди билан банд. Бу ишларга бригадир бош-қош.

Область партия конференциясида ташкилотчи коммунист, илғор пахтакор, актив жамоатчи Бусалима Турдибоева КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига делегат этиб сайланди.

Бусалима Турдибоева Москвага, улуғ анжуманга бориш ҳаяжони билан яшар экан, пахтакор бўлиб ўтган отасини, ўн фарзандини пахта меҳри билан тарбиялаб, колхозда меҳнат қилаётган онасини, катта хўжаликнинг янги беш йилликдаги истиқболини ўйлайди. Колхоз правлениеси, касаба союз комитети, цех партия ташкилоти бюроси аъзоси, Қиёт қишлоқ Совети депутати сифатида жамоат топшириқларини аъло даражада бажариш йўл-йўриқларини излайди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз мухбири.
Бекобод районидаги «Победа» колхози.

Суратда: дўстлари Бусалима Турдибоевани (ўнгдан иккинчи) КПСС XXVII съездига делегат бўлгани билан табриклямоқдалар.

А. ЗУФАРОВ фотоси.

Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ПАРКЕНТ районидаги «Леннобод» совхози чорвадорлари гўшт топшириш биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 25 тонна ўрнига 32 тонна гўшт етказиб берилди. Ҳар бир қўйнинг тирик вазни 43 килограммга, қорамолларники эса 350 килограммга тўғри келди. Бу муваффақиятда Абдишукур Шодиев, Жума Ражаббоев сингари бўрдоқибоқарларнинг ҳиссалари катта бўлди.

М. МИРКАМОЛОВ.

ЭКИШГА ШАЙ

КАЛИНИН. Сабзавот ҳосилдорлигининг ортиши, эртаги маҳсулотнинг кўпайиши қишки тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Свердлов номли совхознинг 1-бўлими деҳқонлари бу борада ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Аввало бўлимга қарашли 250 гектар ер майдони кузда сифатли шудгор қилиб қўйилди, ўғитга тўйинтирилди. 70 гектар майдон эртаги экин экиш учун эгат олиб қўйилди.

Айни кунларда бўлимда техника ремонти жадал суръатда бормоқда. Мавжуд 20 та ҳайдов тракторининг деярли ҳаммаси ремонтдан чиқариб қўйилди. Бошқа хилдаги техникаларни мавсумга созлаш ҳам намунали олиб борилмоқда. Ю. Эргашев, А. Ғуломов, О. Шомақсумов сингари механизаторлар ремонт ишларида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ҳ. ШАРИПОВ.

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

ОҚҚУРҒОН. Районда кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Жумладан, маҳаллий ўғит тўплаш ва далага ташиб чиқиш бу ерда яхши йўлга қўйилган. Шу кунгача 80 тонна гўнг тўпланиб, унинг 30 тоннаси кам ҳосил ерларга ташиб чиқарилди. Бунда Вотинцев, Ҳамид Олимжон номли ва «Партия XXII съезди» колхозлари деҳқонлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Шунингдек, ирригация тармоқларини ва экин майдонларини мавсумга ҳозирлаш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Ҳозиргача район хўжаликларидаги 67 минг 155 кубометр суғориш шаҳобчалари тозаланди. Ҳар куни механизация ёрдамида 500 гектар ер текисланаяпти. Бугунги кунгача жами 6127 гектар майдон қўклам мавсумига тахт қилиб қўйилди.

О. ТУРАҚУЛОВ.

СЕЯЛКАЛАР ТАХТ

Калинин номли колхоз механизаторлари Янгийўл районида биринчи бўлиб чигит экиш сеялкаларини ишга тахт қилиб қўйдилар. 23 та сеялка барвақт ремонтдан чиқарилди. «Ленинизм» ва Н. Ниёзов номли колхозларда ҳам чигит экиш сеялкалари ремонти тугалланди.

Шу кунларда хўжаликларда 12 та ремонт бригадаси баҳорги дала ишларида фойдаланиладиган техника воситаларини мавсумга тайёрламоқдалар. Ҳозиргача улар 216 та ҳайдов, 238 та чопиқ трактори, 166 та чигит экиш сеялкасини ишга тахт қилдилар. Баҳорги дала ишларида фойдаланиладиган барча техника воситалари ремонтини 1 февралгача тугаллаш мўлжалланган.

РЕДИСКА УРУҒИ СЕПИЛДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхоз сабзавоткорлари 6 гектар майдонга плёнка тагига редиска уруғи сепишди. Хўжаликнинг Маҳамат Нортоев, Акром Зоҳидов, Аҳрор Содиқовлар етакчилик қилаётган бригадалари далаларида ҳам эртаги редиска, сабзи экиш қизғин давом этмоқда.

Хўжаликда бошқа дала ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган: йўл ёқалари, зовур четларига ўн минг тупдан зиёд тут кўчати экилди. Шу кунларда сабзавоткорлар КПСС XXVII съезди шарафига ўтказиладиган шанбаликка тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу куни далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, сув йўлларини тозалаш юзасидан зарур юмушларни бажариш кўзда тутилмоқда.

Т. ЭШТОЕВ.

СИФАТ ТЕКШИРИБ КЎРИЛМОҚДА

Ғалаба районидаги Киров номли ўқув тажриба хўжалиги меҳнаткашлари кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун курашмоқдалар. Айниқса, ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш қизғин бормоқда. Хўжаликдаги мавжуд техникани ремонт қилиш муддатидан илгари тугалланди. Мавсумга тайёр қилиб қўйилган 36 та ҳайдов, 44 та чопиқ тракторлари ва 26 та чигит экадиган сеялка, 34 та культиватор, 7 та чизель, 32 та дори пуркагич мосламалари махсус бостирмаларда сақланмоқда.

Тожибой Абдуваҳобов, Ҳайдар Раҳимов, Владимир Витушкин, Собир Бўронов сингари механизаторлар шу кунларда ўзларига бириктирилган тракторларнинг ремонти сифатини яна бир бор синчиклаб текширишдан ўтказмоқдалар.

М. ҲАМДАМОВ.

• ЖАҲОНДА БАРҚАРОР ТИНЧЛИК УЧУН •

ОҚИЛОНА ЙЎЛ

ҲУЖЖАТЛИ кино вакиллари касб тақозосига кўра доимо халқ орасида бўладилар. Шунинг учун ҳам биз республикамиз меҳнаткашларининг орзу-умидлари, ўй-хаёллари билан яхши танишмиз. Қаерга бормайлик, ким билан суҳбатлашмайлик ҳамманинг хоҳиш-истаги битта: у ҳам бўлса — дунёда барқарор тинчлик ўрнатишдир.

Шу маънода КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг матбуотда эълон қилинган Баёнотида халқ дилидаги гаплар айтилди. Баёнот инсониятни ядро ва космик қуролларсиз дунё учун курашга чорловчи муҳим тарихий ҳужжат сифатида авлодларимиз тақдири олдидаги масъулиятимизни яна бир бор ёдимизга солади.

Коллективимиз аъзолари мана шу масъулиятни қалбдан хис қилган ҳолда ўз фаолиятларига жиддий эътибор билан қараб келмоқдалар. Айнан шу мавзуда студиямизда бир қанча фильмлар яратилди. Уларда дунёда тинчлик ўрнатиш, ер юзидаги барча давлатлар билан тинч-тотув, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ғоялари илгари сурилди. Студиянинг кейнги иш планларида ҳам жаҳонда тинчликни барқарор бўлиши, қирғин — барот уруш хавфининг олдини олиш учун хизмат қилувчи картиналар суратга олиш планлаштирилган.

Турди НОДИРОВ,
СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси директори.

ЯНГИ АСРГА ЯДРО ҚУРОЛИСИЗ БОРАЙЛИК

Ҳақиқий фаннинг мақсади инсониятга хизмат қилишдир. Мана шу юксак бурчни англовчи ҳар бир олим Михаил Сергеевич Горбачевнинг атом энергияси фақат тинчликка хизмат қилиши кераклиги тўғрисидаги сўзларини астойдил маъқуллайди. Ақл-идрокнинг буюк ғалабаси одамлар учун ўзининг ўзи қириш қуролига айланишига йўл қўймаслик зарур.

Биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатга оид бир қанча йирик, принципиал характердаги тадбирларини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллаймиз.

Биз мамлакатимиз принципиал ва изчил сиёсат ўтказаётганлигидан фахрланамиз. Бу сиёсатда ядро энергиясидан инсоният манфаатларини кўзлаб, тинчлик мақсадларида фойдаланишга асосий ўрин берилмоқда.

Айни вақтда М. С. Горбачев таъкидлаганидек, бизнинг моддий ва интеллектуал потенциалимиз Совет Иттифоқининг, агар бизни шунга мажбур этсалар, ҳар қандай қуролни яратишига имкон беради. Бутун дунё бизнинг қудратли ватанимиз ҳарбий устунликка интилмаётганлигига, биз халқлар эркинлиги, тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланишининг изчил тарафдори эканлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқда.

Илм-фан тобора табиат сирларини кашф этиб, бутун инсоният фаровонлигини таъминлашнинг янги-янги манбалари ва имкониятларини очиб бермоқда. Совет Иттифоқининг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги янги тадбирлари ижодга руҳлантириб, тинчликда меҳнат қилиш истагини янада жўш урдириб юборади.

Инсоният учинчи минг йилликка ядро қуролисиз, тинч осмон ва тинч космос остида бораверсин.

П. ХАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти.

ЙЎҚОЛСИН УРУШ!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотида тинчлик тўғрисида айтилган сўзлар менга жуда яқин ва тушунарлидир. Менинг ўн фарзандим бор. Ҳар бир она каби мен ҳам уларнинг бахтиёр бўлишларини орзу қиламан. Улуғ Ватан уруши йилларида ўтган ёшлигим, очлик, юпунлик, фронтда яқин кишиларимизнинг ҳалоқ бўлгани ёдимда. М. С. Горбачев тўғри айтди: биз ер юзида мустаҳкам тинчликка эришишни бошқа авлодлар зиммасига юклайдиймаймиз, ундан ҳам муҳимроқ, бундан ҳам олийжаноб ва инсонпарвар вазифа йўқ. Ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиб қолишгина эмас, шу билан бирга планетани ядро қуролидан тозалаш ҳам зарурдир.

Касбим нонвойлик. Бу касб энг тинч ва одамларга зарур касбдир. Магазинга кирганимда пештахталардан ноннинг сероблигини кўриб қувонаман, ҳаёт кун сайин тобора яхшиланиб бормоқда. Ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари совет халқи турмушини янада яхшилашни кўзда тутади, совет жамиятини социал-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг янги мақсадларини белгилаб беради.

Менга, фарзандларим, невараларимга, барча совет кишиларига тинчлик зарур. Мамлакатимиз халқлари, ер юзи халқлари тинчликни қутмоқдалар.

Дилором АЛИБОЕВА,
Қаҳрамон она, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

ХАЛҚЛАР ОРЗУСИ

Планетамиздаги ҳар бир киши КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини чуқур ҳаяжон, зўр қизиқиш билан ўқиб чиққан бўлса керак. Бу тарихий ҳужжатда жаҳон халқларининг ядро урушининг олдини олиш, ядро қуролларини тугатиш, шунингдек, барча турдаги аслаҳаларни қисқартиришга эришиш учун интилаётган фикр-ўйлари аниқ ва равшан баён этилган.

Ҳар бир сатри ва сўзи ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлик билан суғорилган бу Баёнотда олдинга сурилган таклифлар жаҳондаги биринчи социалистик мамлакатнинг тинчликсеварлигини яна бир бор ёрқин намойиш этди. Шунинг учун ҳам корхонамиз коллективи уни тўла қўллаб-қувватламоқда. Тинчликнинг мустаҳкам қўрғони бўлган она-Ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверади. Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш учун янги резервлар ва имкониятларни ишга солаверамиз.

Т. ҚУРБОНОВ,
Ангрендаги 9-шахта бригадаси бошлиғи, Тошкент область мукофоти лауреати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР ва Куба Республикасининг мўътабар ташкилотлари ўртасида эришилган аҳдлашувга мувофиқ ва Куба Республикасининг СССРдаги элчихонаси билан Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрлиги бир-бирларига хат юборишлари натижасида Тошкент шаҳрида Куба Республикасининг консуллик пункти очилди.

Консуллик пунктига элчихонанинг учинчи секретари ўртоқ Нелсон Диас Консепсион бошчилик қилади.

(ЎзТАГ).

СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

БУРИЛИШ БЕШ ЙИЛЛИГИ

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси қоидаларини ўзига хос моддийлаштирди. Партия Программасини амалга оширишнинг келгуси 15 йиллик давридек босқичга татбиқан мазкур қоидалар Асосий йўналишларда конкрет план-топшириқлари тилига кўчирилди.

КПССнинг ҳозирги давр-даги стратегия ва тактикаси мамлакатимиз иқтисодий-социал ривожланишини жиддий тарзда жадаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кескин ошириш, интенсивлаштириш йўлига ўтиш, бошқариш ва планлаштиришни такомиллаштириш, структуравий ва инвестицион сиёсатни яхшилаш, тарихан қисқа муддатларда меҳнат унумдорлигини юксак даражага кўтаришни таъминлашга қаратилган.

Халқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бу стратегик йўли энг аввало фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, юқори самара берадиган принципиал янги техника ва технология системаларига ўтиш, халқ хўжалиги барча тармоқларини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш тақозо этади. Айни пайтда мамлакатнинг бундан буёнги иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан, хомашё, ёқилғи ва бошқа материаллардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишга, резерв ва имкониятларни тўла ишга солишга боғлиқ бўлади.

Асосий йўналишлар лойиҳасида келгуси 15 йиллик-нинг стратегик вазифаларини амалга оширишда ўн иккинчи беш йиллик жуда муҳим роль ўйнаши, у мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг ҳамма йўналишларида бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши кераклиги уқтирилади. Беш йиллик мобайнида мамлакатда ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмига фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, республикамизда биргина 1986 йилда янги техника ва технологияни жорий этишга доир 497 тадбир амалга оширилади, 107 участка, цех ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилади, 130 та механизациялашган ва автоматлаштирилган линия ўрнатилади. 13 та автоматлаштирилган бошқарув системаси, 15 та ҳисоблаш комплекси ишга туширилади, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш кенгайтирилади.

Тошкент областида ҳам фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш тадбирлари кўзда тутилган. Жумладан, 1986 йилда уч-та роботлаштирилган технология комплекси, деталларга ишлов берувчи учта ўзгарувчан линия, ишлов берувчи 7 та марказ ташкил қилинади ва жорий этилади. 100 та автомат ва ярим автомат линия, 40 та робот ва манипуляторлар ишга туширилади. Областда фан ва техника ютуқларини жорий этиш саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини анча оширади, ялпи маҳсулот ортишининг 75 процентини асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни интенсивлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш омиллари ҳисобига таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун машина-ускуналар ва маҳсулотларнинг бир қанча янги турлари ўзлаштирилади. 1986 йилда бош иқтисодий потенциал бўлмиш ишлаб чиқариш ҳажми 74 миллиарддан 85,6 миллиард сўмга етади ёки 7,2 процентга кўпаяди.

Бу йил хўжалик юритишнинг янгича шароитида ишлайдиган тармоқлар анча кўпаяди. Енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ҳамда бошқа бир қатор тармоқлар иқтисодий эксперимент шароитида ишлай бошлайди. Бундай корхоналарнинг сони 915 тага етади. Уларда саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқарилади.

Марксизм-ленинизм таълимоти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ҳар доим ишлаб чиқариш муносабатлари юзага келтирадиган муайян ижтимоий формага эга бўлади, деб ўргатади. Айни пайтда мазкур ишлаб чиқариш муносабатлари ғоят тез ўзгарувчан бўлиб, уларнинг такомиллаштирилиши ишлаб чиқариш кучларини тез ва самарали ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилидир. Шу нуқтаи назардан экономикани бошқариш да ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни қўллаш алоҳида аҳамиятга эга. «Беш йиллика материал сарфини сезиларли равишда камайтириш мўлжалланаётганлиги, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев октябрь (1985 йил) Пленумида қилган докладида, — тежамкорликни халқ хўжалигининг қўшимча моддий ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи манбаига айлантириш имконини беради».

Буни тўла ҳис этаётган Тошкент шаҳри ва области меҳнаткашларининг 1986 йилги социалистик мажбуриятларида тежамкорлик режимини бутун чоралар билан кучайтириб, маҳсулотга сарфланадиган материал ва энергияни камайтириб, камида 42 минг тонна металл прокати, 73,8 минг тонна цемент, 190,7 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 432,4 миллион киловатт соат электр энергияси, 132,5 минг тонна шартли ёнилғи, 4,6 минг тонна дизель ёнилғи ва 6,8 минг тонна автомобиль бензини тежаб қолиниши қайд этилган.

Умуман янги беш йилликда министрликлар ва идораларга сарф-харажатларни камайтириш, ресурсларни тежаш борасида ғоят тиғиз топшириқлар белгиланган. Уларнинг сўзсиз бажарилиши планнинг мутаносиблигини ва халқ хўжалиги тармоқлари бир маромда ишлашини таъминлашнинг ҳал қилувчи шартидир.

Ўн иккинчи беш йилликда улкан бунёдкорлик режаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Тошкент мотор заводида кучли трактор двигателларининг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилади. Янги Ангрен ГРЭСида янги қувватлар ишга туширилади. Ангрен кўмир разрезини реконструкция қилишни жадаллаштириш, Тошкент трактор заводида қуйиш цехлари комплексини қуришни давом эттириш белгиланган.

Партия мўлжалланаётган марраларга эришиш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, планлаштириш ва бошқаришни, хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш билан бир қаторда ҳамма ерда интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш, омманинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш биринчи даражали аҳамият касб этишини уқтиряпти. КПСС XXVII съезди шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақада совет кишиларининг ана шу ажойиб хислатлари ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Б. УМАРОВ,
иқтисод фанлари кандидати, доцент.

Чеҳраларида табассум барқ уриб турган икки дугона — Гулнора Худоёрхўжаева (чапда) ва Робия Сулаймоновалар «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилишади. Бу комсомол қизлар ўн иккинчи беш йилликни яхши бошлашди. Дастлабки кунларидан нормани 130 процент ва ундан ҳам ошириб бажаришмоқда.

УНУМДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

БИРЛАШМАМИЗ областимизнинг етакчи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналаридан ҳисобланади. Коллективимиз ишлаб чиқараётган машиналар-тракторлар, прицеплар мамлакатимизнинг барча пахтакор республикаларида кенг фойдаланилмоқда. «Оқ олтин» хирмонини уяётганларнинг оғирини енгил қилаяпти, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда уларга ёрдам бермоқда. Маҳсулотларимизнинг чет элларда ҳам мижозлари кўпайиб қолди. Ҳозирги вақтда машиналаримизни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 23 та давлатга етказиб бермоқдамиз.

Сўз билан иш бирлигига қатъий амал қилаётган машинасозларимиз зиммаларидаги вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилиб ишламоқдалар. Корхона маҳсулоти шуҳратига доғ туширмаслик йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдаларки, бу ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми, ишнинг сифати, трактор ва прицеплларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари муттасил ошиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам планларни тўлиқ адо этмоқдамиз. Ўн биринчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича шу даврга мўлжалланган план муддатидан 20 кун илгари уддаланди. Фақатгина унинг сўнгги йилида топширикдагига қўшимча 100 та трактор, 50 та прицеп ишлаб чиқарилди.

Коллективимизнинг бу ютуқлари омиллари жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳақида эмас, биттаси тўғрисида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан қилинган ишлар ва уларнинг самараси ҳақидадир. Кейинги йилларда бирлашмамизда бу масалага эътибор бақиёс даражада ортди. Ишчиларнинг турмуш шароитлари, уларнинг унумли ва сифатли ишлашлари, бўш вақтларини самарали, фойдали ўтказишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тобора кўпроқ амалга оширилмоқда.

Бевосита корхонанинг ўзида ишчи-хизматчиларга маиший ва савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу билан уларнинг уй-рўзғор ташвишлари сезиларли даражада енгилашди. Мавжуд бешта корпуснинг тўрттасидаги маиший хизмат кўрсатиш учун ажратилган хоналар капитал ремонтдан чиқарилди. Уларнинг ишини яхшилаш мақсадида кўрик-конкурслар ўтказиб туриш йўлга қўйилди. Бу хизмат ҳажмини кенгайтириш, турларини кўпайтиришга, уларнинг санитария-гигиена ҳолатларини яхшилашга ёрдам бермоқда. Ишчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилмоқдамиз. Жумладан, бирлашмада махсус кийим-кечаклар магазинсалони очилди.

Машинасозларга савдо хизмати кўрсатишда ҳам ижобий силжишлар юз берди. Утган йилнинг август ойида маиший-савдо комплекси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ишчилар ўзларига зарур бўлган саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишлари мумкин. Сартарошхона, кийимларни кимёвий тозалаш пункти, дорихона, кийимларни ремонт қилувчи ва бошқа шу каби хизмат турлари йўлга қўйилди. Оптика магазини ҳам ишлаб турипти. Корхонада машинасозларга кўрсатилаётган хизмат турлари 13 хилга етди.

Бирлашмада тракторсозларнинг дам олишини уюштириш, саломатликларини тиклаш ва мустаҳкамлаш, турар-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ҳам талайгина ишлар амалга оширилаяпти. Ўтган йили 219 нафар ишчи ва хизматчилар санаторий ва пансионатларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтдилар. 300 нафардан зиёд машинасоз меҳнат отпускасини туристик саёҳатларда ўтказди, 30 нафар илғор ишчи эса имтиёзли йўлланма билан чет элларда туристик саёҳатларда бўлди, 1200 нафар киши шанба-якшанба кунлари «Чотқол» дам олиш зонасида ҳордиқ чиқарди, мингдан зиёд ишчи эса парҳез таомлари ошхонасида таннаввул қилиш учун талонлар билан таъминланди.

Ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари, жумладан, фарзандлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Улар учун хизмат қилаётган муассасалар тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, биргина ўтган йили 320 ўринли болалар комбинати ишга туширилди. Кам сонли оилалар учун 100 квартирали ва яна бир 90 квартирали уй фойдаланишга топширилди. Ҳар йили ёз пайтларида тракторсозларнинг 1800 фарзанди Чимён тоғи этакларидаги пионер лагерида дам олишяпти.

Бирлашманинг маданий-спорт комплекси ишчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Стадион, спорт комплекси, сузиш ҳавзаси, спорт зали, кутубхона, тракторсозлар микрорайонидаги бошқа қатор муассасалар улар хизматида. Спорт комплекси ва маданият саройи иши тубдан яхшиланмоқда. Шанба-якшанба кунлари бу ер жуда гавжумлашиб кетади. Юзлаб ишчилар ва оилалари аъзолари спорт ва физкультуранинг ўнлаб турлари билан шуғулланадилар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари машғулотларига қатнашадилар.

Шундай тадбирлар коллективда психологик муҳитнинг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида коллективимиз меҳнат ютуқларининг салмоқли бўлишига ёрдам беряпти. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ишлар кўлами муттасил кенгайтириб борилади.

Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида шу мақсадга қаратилган қатор ишларни амалга ошириш ниятидамиз. Жумладан, Ғалаба районида дам олиш зонаси қурилиши тугалланади. Чорвоқ сув омбори яқинида 500 ўринли дам олиш уйи бунёд этилади. Шунингдек, спорт комплекси ва маданият саройини реконструкция қилиб, уларни кенгайтириш режалаштирилган. Пионер лагеридан қиш мавсумида дам олиш уйи сифатида фойдаланиш назарда тутилмоқда.

Бирлашмада ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва уй шароитларини янада яхшилаш, маиший-савдо хизмати кўрсатишни кенгайтириш учун қатор муаммоларни ҳал қилиш лозим. Бунда биз рақбар ташкилотларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Маълумки, корхона йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Яқинда қуюв заводи дастлабки маҳсулотларни берди. Бу ерда ишлаш учун кўплаб малакали мутахассислар жалб этилмоқда. Уларни турар-жой билан таъминлаш қийин бўлаяпти. Бундан ташқари, уй олиш учун навбатда турганлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Кейинги уч йилда фақатгина 90 квартирали ва кам сонли оилалар учун уй қурилди, холос. 1986 йилда корхонамиз эҳтиёжлари учун уй қурилиши ҳатто планлаштирилмади ҳам. Ҳозир корхона ишчиларининг 2 мингдан ортиқ фарзандлари болалар боғчаларига қатнамоқдалар. Кичкинтойларнинг мактабгача муассасалари билан таъминланишлари учун яна битта йирик типовой боғча қуриш зарур. Уй-жойлар ва болалар боғчаси қуриш учун маблағ бор. Лекин шаҳар ижроия комитети буни инобатга олмаяпти. Ер, пудратчи бинокорлик ташкилоти ажратиш ҳақидаги илтимосларимизни рад этди. Умид қиламизки, область партия конференциясида шаҳар ижрокоми шаҳнига шундай масалалар юзасидан айтилган танқидий фикрлар бу муаммони ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

БУ ҲАҚДА ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ГАПИРИЛДИ

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Барча совет кишилари қатори Коммунистик партия-нинг меҳнаткашлари ҳам КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини ишчанлик билан қизғин муҳокама этмоқдалар, партиянинг бу съездолди ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этмоқдалар.

Ишчи ва колхозчилар, муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари келгуси 15 йилликка мўлжалланган Асосий йўналишлар лойиҳасини тўлдириш юзасидан айниқса кўплаб таклифлар киритмоқдалар.

«Политотдел» колхозининг бригада бошлиғи Қ. Ортиқбоев лойиҳа 6-бўлимидаги «Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва органик ўғитлар қўлланишни кенгайтириш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш...» сўзларидан сўнг **«бу ерлардан самарали фойдаланишни таъминлаш»** сўзларини қўшиб қўйишни таклиф қилади. Бригада бошлиғининг фикрига кўра, бу хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари, барча қишлоқ меҳнаткашларининг ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун масъулиятини кучайтиришга хизмат қилган бўларди.

Ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда партия ва ҳукуматимиз кенг кўламли социал программани амалга оширишни кўзда тутаётганликлари район меҳнаткашларини мамнун этмоқда. У. Юсупов номли 3-ўрта мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Х. Исҳоқов Асосий йўналишлар лойиҳаси 10-бўлимида «Беш йиллик мобайнида 7 миллион ўринли умумий таълим мактаблари ва камида 810 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари қурилсин» деб кўрсатилганлигини алоҳида таъкидлайди. У умумтаълим ва ҳунар ўқув юртлари ўз вақтида ишга туширилиши учун совет органлари ва қурилиш ташкилотларининг масъулиятини ошириш мақсадида ушбу жумладан сўнг **«Ўқув юртларини белгиланган муддатда ва сифатли қуриб, фойдаланишга топшириш таъминлансин»** сўзларини қўшиб қўйишни таклиф қилди.

Район марказий поликлиникасининг врачи Т. Бўлекбоев даволаш-профилактика ишларини яхшилаш мақсадида лойиҳа 10-бўлимига **«Меднцина муассасалари ходимларининг даволаш-профилактика ишларини яхшилаш учун фан-техника ютуқларини кенг жорий этишдаги масъулияти кучайтирилсин»** деган жумлани қўшиб қўйишни таклиф қилди.

Район меҳнаткашлари КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави лойиҳаларига ҳам кўпгина таклифлар киритмоқдалар.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Ленин районн саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар давомида коммунистлар 2 мингдан ортиқ танқидий фикр ва мулоҳазалар билдиридилар. Йиғилишларда иштирок этган ҳар уч коммунистнинг бири сўзга чиқди. Улар экономикага партия раҳбарлигини яхшилаш, ташкилотчилик ва идеология ишларини такомиллаштириш, ленинча иш услубини қарор топтириш бўйича таклифлар киритдилар.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг бўлиб ўтган семинарида ҳисобот сайлов кампаниясига якун ясалди. Семинарда партия ташкилотлари секретарлари сўзга чиқиб экономика ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, ишлаб чиқаришда инсон омили ролини ошириш бўйича тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашдилар.

Семинар қатнашчиларк айниқса Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи партия комитети секретари А. В. Борсуков, 8-қурилиш трести партия комитети секретари А. Раҳимов, «Ташгордорстройремонт» трести партия комитети секретари К. Халилов ва бошқаларнинг сўзларини эътибор билан тинглашди, нотиқлар семинар қатнашчиларининг кўпгина саволларига жавоб беришди.

Семинарда район партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Ардатов сўзга чиқди.

ТАШКИЛИЙ—ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР ТАКОМИЛЛАШСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш юзасидан қўйилган вазифалар Чиноз районн хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари семинарида кўриб чиқилди. Бу ҳақда район партия комитетининг иккинчи секретари Э. К. Собиров доклад қилди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Э. Бердиевнинг доклади эса меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишлар ва атеистик пропагандани кучайтириш соҳасидаги вазифаларга бағишланди. Район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси ранси Н. Исматуллаев партияга қабул ва коммунистларнинг шахсий ишини кўриб чиқиш тартибн бўйича секретарларга зарур тавсиялар берди. Семинарда шунингдек, қарорлар ижроси ва ҳужжатлар билан ишлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам эътибор қаратилди.

Шундан сўнг семинар қатнашчилари ўзаро тажриба алмашдилар. «Қизил Октябрь» колхози партия комитетининг секретари А. Абдуманнопов қуйи партия ташкилотларига раҳбарлик бўйнча тўпланган тажрибалардан гапирди. Пахта тозалаш заводи партия комитетининг секретари В. Г. Белова партия йиғилишлари ўтказиш ва қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида сўзлади.

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

Фрунзе районн партия комитети ҳузурида ишлаб турган идеология активи мактабининг 416 тингловчиси бор. Улар партия ташкилоти секретарларининг идеология ишлари бўйнча ўринбосарлари, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва пропагандистлардир. Мактаб машғулоти ҳар ойда бир марта ўтиб турибди.

Навбатдаги машғулотда «Билим» жамияти лекторн В. А. Корзун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида оғзаки сиёсий агитацияни янада кучайтириш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида лекция ўқиди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий коммунизм кафедраси мудири профессор С. У. Аҳмедовнинг лекцияси эса қуролсизланиш бўйнча КПСС сиёсатининг актуал проблемаларига бағишланди. Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Сердюкова сиёсий маориф шаҳобчаларида ўтказилаётган машғулотлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўртага ташлади.

Бундай машғулотлар идеология активлари фаолиятини оширишга, омма орасида олиб борилаётган сиёсий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга ёрдам беряпти.

Олмалиқдаги гилам фабрикасида «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида бошланган социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Унда фаол қатнашаётган илғор ишчилардан Жаннат Ғозиқулова (чапда) ва Любовь Рикова нормани доим ошириб адо этмоқдалар. Уларнинг қўлидан чиқаётган маҳсулот сифати ҳам яхши бўлаяпти.

В. Сироткин фотолари.

ФАХРЛИ НОМ УЧУН

«МАТБУОТ» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли офсет босма фабрикаси коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан 2,5 ой илгари шараф билан бажарган эди. Товар маҳсулоти плани эса 101,2, маҳсулот реализация қилиш плани 100,4 процент қилиб уддаланди.

Ўтган давр мобайнида матбуотчилар 8 марта СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг ҳамда маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди.

Ҳозирги вақтда корхонада «КПСС XXVII съезди» номини олиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Жаҳонгир Ниёзмуҳамедов етакчилик қилаётган коллектив бу меҳнат беллашувида байроқдорлик қилмоқда. Бригада аъзолари съезд шарафига оширилган мажбурият олиб ишлашмоқда. Улар олий анжуман очиладиган кунгача 1986 йилнинг биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилдилар.

МЕТАЛЛОЛОМ—ДАВЛАТГА

Тошкент области бўйнча 1986 йил январь ойида металлолом тайёрлаш планининг бажарилиши тўғрисида (17 январгача ойлик планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи устун — қора металлар, иккинчи устун — рангли металлар).

Маълумот

ШАҲАРЛАР		
Чирчиқ	55,3	32,5
Янгиобод	45,1	23,0
Ангрен	40,0	11,3
Олмалиқ	38,6	30,5
Нарманов	38,0	10,9
Бекобод	32,2	18,6
Янгийўл	30,4	35,7
Оҳангарон	28,7	—
РАЙОНЛАР:		
Бекобод	79,0	40,8
Оҳангарон	36,9	—
Оққўрғон	28,5	47,6
Янгийўл	28,3	54,0
Бўстонлиқ	28,2	35,2
Ғалаба	27,5	—
Тошкент	26,8	60,6
Чиноз	26,5	—
Ўрта Чирчиқ	25,3	68,2
Бўка	24,4	12,0
Паркент	20,0	—
Оржоникидзе	16,9	37,4
Калинин	16,6	120,0
Пискент	15,1	—
Коммунистик	13,4	95,0

СЕЗИЛАРЛИ ЎСДИ

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи ўтган йили беш йиллик планини муддатидан илгари — 18 декабрда бажарганлиги ҳақида рапорт берган эди. Ўн биринчи беш йиллик давомида ўнларча миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги машиналари, пўлат қуюлмаси ва кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди. Корхонада меҳнат унумдорлиги 1980 йилга нисбатан 15 процентга ўсди.

Корхонада ишчиларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилаш юзасидан ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Чунончи ўтган даврда биринчи, иккинчи, бешинчи ва ўн бешинчи цехларнинг кийниб-ечинадиган, дам оладиган хоналари ҳамда олтинчи ва ўн бешинчи цехлардаги ошхоналар капитал ремонтдан чиқарилди. Корхона ишчи-хизматчиларининг маданий дам олишларини ташкил этиш ишлари анча яхшиланди. Заводнинг ўзида ва ишчилар шаҳарчасида янги магазинлар очилди, боғча ва яслилар, янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Э. РИЖИКОВА,
«Социалистический Чирчик» газетаси ходими.

2 МИНГ СЎМЛИКДАН ЗИЁД

ТОШКЕНТДАГИ иккинчи уйсозлик комбинатида КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Бригадалараро меҳнат беллашувида комбинат 60-қурилиш бошқармасининг Вакила Салихзонова етакчилигидаги комплекс бригадаси коллективи ҳам актив иштирок этмоқда. Улар доим графикдан ўзиб ишлашяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ коллектив графикдан йигирма кун илгарилаб кетган.

Бригаданинг барча ўн саккиз аъзоси турдош касбларни эгаллашган. Улар бригада пудрати усулида иш олиб боришмоқда. Аҳил коллектив ҳозир тўққиз қаватли 80 квартирали уй қурилишида ишламоқда. Бригада аъзолари съезд очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилди.

М. ФЕЛЬДМАН.

КЕЛИНГ, ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК!

ЙИҒИЛИШДА АЙТИЛМАЙ ҚОЛГАН ФИКРЛАР

ТОШКЕНТ районидаги «Ленин йўли» колхози йирик ва иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан ҳисобланади. Колхоз меҳнатнаткашлари ўн биринчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича планларини ошириб бажардилар. Ўтган хўжалик йилида ҳам бирмунча ютуқларга эришилди. Пландагидан анча кўп миқдорда сабзавот, картошка, узум сотилди. Чорвачилик ҳам йил сайин рентабеллик тармоққа айланмоқда. Ўтган йили хўжаликда соф даромад 1 миллион 181 минг сўмни, рентабеллик 30,7 процентни ташкил этди. Колхозчиларнинг бир иш кунига ўртача 8 сўм 10 тийиндан пул тақсимлаш кўзда тутилмоқда.

Хўжаликда бу галги ҳисобот-сайлов йиғилишини тайёрлашга янгича ёндошилди. Ҳар бир бригада, звенода, фермада колхоз раҳбарлари, мутахассислари иштирокида очиқ хатлар куни ўтказилди. Дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари колхоз фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида таҳлил этиб, очиқ хатлар кунида камчиликларни рўй-рост танқид қилдилар. Бундан буён ишни яхшилаш юзасидан қимматли фикр-мулоҳаза, истак ва таклифларни билдирдилар.

Ҳисобот докладини тайёрлашда ана шу фикрлар, мулоҳазалар ҳисобга олинди. Шунинг учун ҳам йиғилиш танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтди. Докладчи — колхоз раиси С. Муҳаммаджонов ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига меҳнатда қўлга киритилган ютуқларни айтиш билан бирга асосий диққат-эътиборни ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, муаммоларга қаратдилар. Фойдаланилмай келинаётган резервлар, имкониятларни бирма-бир кўрсатиб бердилар. Сабзавотчиликда план-топшириқларни турлари бўйича бажариш, чорвачиликда эса моллар бош сонини оширмай туриб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини таъкидладилар. Деҳқончилик ва чорвачиликни интенсив ривожлантириш омиллари ишлаб чиқаришга суст жорий қилинаётганлиги айтилди.

Лекин шундай бўлишига қарамай ҳисобот-сайлов йиғилишида айтилмай, колхозчиларнинг дил тўрида яшириниб қолган гаплар, танқидий фикрлар кўп экан. Бу гаплар бўлиб ўтган суҳбатларда дангал ўртага ташланди.

Кекса соҳибкор Худойназар ота УМАРОВ шундай деди:

— Ҳосил уруғдан бошланади. Деҳқон ерни қанча эъзозламасин, семиртириб, тўйдириб боқмасин, агар уруғ сифатли, кўчат сара бўлмаса қилган меҳнатларининг бир қисми зое кетади. Афсуски, бизда жуда кўпдан буён уруғчилик масаласи муаммо бўлиб келмоқда. «Сортсемовош» томонидан бериладиган уруғликлар тоза, сифатли эмас. Яхши унмайди. Бегона ўт уруғлари аралашиб қолган бўлади. Мажлисда сўзга чиққан тажрибали бригадиримиз Жалил Мажидовнинг сўзига эътибор бергандирсиз. У сабзи уруғидан чув тушиб қолдик, ҳосили бигизга ўхшаб битди, турган-битгани ўзак, шунинг учун уни қабул қилишмади, ярмидан кўпи далада қолиб кетди, деди. Мен бу гапларни эшитиб ўйланиб қолдим. Хўжалигимизда сабзи планининг 58 процент бажарилганлигининг бош сабаби шу эмасмикан? Айб кимда? Ахир бизга етказиб бериладиган уруғликнинг сифатсиз эканлиги ҳақида деҳқонларимиз ҳар йили эътироз билдиришади. Хўжалик раҳбарлари, мутахассисларимиз қоларверса, РАПО раҳбарлари бунни яхши билишади. Лекин ҳеч қандай чора кўрилмаяпти. Шундай экан, бу муаммони ўзимиз ҳал этайлик. Илгарилари ота-бободларимиз ўзлари учун зарур бўлган уруғликларни ўзлари етиштиришган-ку. Нега биз шундай қилмаймиз. Ҳар битта бригадада уруғлик учун 1—2 гектар ер ажратиш керак. Бунинг учун қунт-ҳафсала, эътибор керак, холос.

Колхоз сут-товар фермасининг молбоқари Малик ҒАНИЕВнинг фикр-мулоҳазалари мана бундай:

— Чорвамиз анча яхши изга тушиб қолди. Лекин етти хазинанинг бири бўлган паррандачилик оқсаётганлигидан ҳаммамиз хижолатдамиз. Ахир бу қанақаси? Бир дона тухум 20 тийинга тўғри келибди. Нега? Чунки бизда жўжалар махсус хоналарда боқилмайди. Улар учун махсус ем берилиши керак. Лекин бундай ем бизда йўқ. Бунинг устига мутахассисларимиз яхши қарамайдилар. Шунинг оқибатида жўжаларнинг кўпи товуқ бўлгунга қадар нобуд бўлиб кетади. Бу иллат фақат бизнинг хўжаликка эмас, райондаги бошқа хўжаликларга ҳам таалуқлидир. Аҳволни яхшилаш учун нима қилиш керак? Менинг фикримча хўжаликлараро паррандачилик фабрикалари ташкил этиш, кучларни, имкониятларни бирлаштириш, бу фермаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш керак. «Узптицепром» бундай фабрикаларни оталиққа олиши, жўжаларни боқишда ишлатиладиган махсус емларни ўз вақтида етказиб берилишига кўмаклашиши керак.

— Колхоз иши — кўпчиликнинг иши, — **деди кекса коммунист, меҳнат ва уруш ветерани Қодир АСИЛОВ,** — қишлоқда яшайдиган ҳар бир одам хўжалик ишига ҳисса қўшиши керак. Лекин афсуски, шундай бўлмаяпти. Бизда колхоз еридан, сувидан фойдаланиб, умум ишида қатнашишдан бош тортаётганлар анчагина бор. Ҳар йилги ўтказиладиган йиғилишда бу ҳақда гапирилади. Мен ҳайронман. Бу соҳада қатъий бир фикрга келиш, тартиб-интизом ўрнатиш шунчалик қийинми? Қуруқ гапнинг кимга кераги бор. Бизга нима ҳалақит беряпти?

Назаримда ҳамма айб ўзимизда. Бирон фойдали ташаббусни бошлаймизу, охирига етказмай ташлаб қўямиз. Тўғри, ҳар битта мажлисдан сўнг дарҳол комиссия тузилади. Комиссия аъзолари хонадонма-хонадон юришади. Текширишади. Колхозга ишга чиқинг, бўлмаса томорқангизни қирқамиз, кўчириб юборамиз, деб дўқ-пўписа қилган бўладилар. Лекин бу орада илтимос қилиб ўртага тушувчилар кўпайиб қолади. «Бегона эмас, зиёни тегмаяптику, у ҳам ўзимизнинг одам, совет кишиси, яшаши, тирикчилик қилиши, бола-чақа боқиши керак», деб йўлдан қайтарадилар.

Энди бундай келишувчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Қишлоқда яшаб хўжалик ишига ҳисса қўшмайдиганларни тартибга чақиришда партия, совет органларининг амалий ёрдами зарур.

Бухгалтер Асқар ИНОҒОМОВ шундай деди:

— Ўтган йили деҳқончиликнинг барча соҳаларида маҳсулот етиштиришда сарф-харажатлар мўлжалдагидан ортиб кетди. Масалан, бир центнер картошканинг таннархи пландаги 20 сўм 65 тийин ўрнига 25 сўм 60 тийинга, сабзавотники эса 11 сўм 92 тийин ўрнига 13 сўм 22 тийинга тўғри келди. Бунинг сабаби шуки, бизда иқтисод ва тежамкорлик учун курашда қатъий тартиб, режа йўқ. Бунинг устига сабзавотчиликдаги кўпгина ишлар ҳамон қўл кучи билан бажарилмоқда. Бу тармоқда атиги 32 процент ишлар механизация зиммасига юклатилган. Буни кам деганда 70 процентга олиб чиқиш керак. Ана шу мақсадда моддий ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланайлик. Хўжалигимиз кучли машина-трактор паркига эга. Бизда 54 та трактор бор. Лекин еримиз кам. Шунинг учун бўлса керак, йил давомида бу тракторларнинг кўпи ишлатилмайди, бекор туради. Шунга қарамай ҳар йили янгиданянги техника сотиб оламиз. Бунинг учун кўплаб миқдорда маблағ ажратилади. Демоқчиманки, борларидан аввало яхши фойдаланайлик. Зарур деб топилган техниканигина сотиб олайлик. Айниқса, сабзавотчилик ишларини механизациялашга ёрдам берадиган техника керак.

Дала деҳқончилигида ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда аниқ ҳисоб-китоб бўлсин. Айрим ички юмушларни бажаришда отаравадан фойдаланиш соҳасида бошлаган ташаббусимизни охирига етказайлик. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишибди. Битта юк машинасида ташиладиган юк кунига 800 килограммданга тўғри келса, бунинг учун бир йилда 4075 сўм маблағ сарф бўлар экан. Агар бу иш аравада бажарилса 1948 сўм ҳаражат қилинар экан.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Маҳкам ИНОЯТОВ:

— Агар жонли ташкилотчилик ишлари бўлмаса, ҳар қанча ётлитли ракетаси учириб синаб кўрилади. Канада қуролли кучлари қўмондонлигининг ахборотида хабар қилинишича, эртага ана шу синовлардан биринчиси ўтказилади. Ракета Б—52 бомбардимончи самолётидан Бофорт денгизи устида учирилади ва у 2,5 минг километр масофани учиб ўтиб, Алберта вилоятидаги Колд Лэйк полигони районида ерга қўниши керак. Канада ҳарбий — ҳаво кучларининг қирувчи самолётлари ана шу синов вақтида ракетанинг душманнинг ҳаво ҳужумидан мудофаасини ёриб ўтиш қобилиятини текшириш учун уни даф этмоқчи бўлиб ҳаракат қилиб кўради. Бунинг учун қолган учта синовда Американинг қирувчи самолётларидан фойдаланиш мўлжалланади.

Канаданинг географик ва иқлим шароити СССР территориясиникига ўхшаш бўлганлиги учун Пентагон унинг территориясини қанотли ракеталарни синаб кўрадиган майдон сифатида танлади. Ўтган йили Американинг «Боинг» компанияси тайёрлаётган «Ҳаво — Ер» классидаги қанотли ракеталар тўрт марта синаб кўрилди. Канада тинчлик тарафдорлари бундай синовларга қарши кенг кўламда норозилик намойиши ўтказдилар ва улар синовларнинг ифвогарлик мақсадида эканлигини уқтирдилар. «Гринпес» атроф муҳитни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти Канада бўлимининг вакили Канада тинчлик тарафдорлари Пентагон қанотли ракеталарни яна синаб кўришига қарши янги норозилик тадбирларини ўтказадилар, деди.

● **ТОКИО**

Осака шаҳрида Умумяпония ўқитувчилар касаба союзининг маориф масалаларига бағишланган йиллик конференцияси очилди. Конференция қатнашчилари ҳукуматдан педагоглар ва ота-оналар ташкилотларига Японияда маориф ислоҳотига тайёргарлик кўришда қатнашиш имкониятини беришни талаб қилдилар. Ҳозирги вақтда Накасонэ ҳукумати ислоҳот лойиҳасига оид ишлардан уларни четлаштирмоқда. Ҳукуматнинг ўқитувчилар фаолиятини бутунлай ҳокимият назоратига ўтказиш нияти конференцияда норозилик уйғотди. Ҳукумат ўз мақсадини амалга ошириш учун махсус ҳукумат комиссиялари тузишни мўлжалламоқда.

(ТАСС).

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози теплица хўжалигида кўплаб кўкат ва бошқа резавор экинлар ўстирилиб, ҳар куни савдо шохобчаларига кўк пиёз, петрушка ва укроп етказиб берилмоқда. Суратда: колхозчи Т. Султонмуродов пиёзни йиғиштириб олмоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

ҲИССА

СЪЕЗДОЛДИ социалистик мусобақасини қизитиб юборган 25-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунёдкорлар ўн биринчи беш йилликда 7745 минг сўмлик ўрнига 7840 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган эдилар. Бу меҳнат муваффақиятига Николай Жидомара бошлиқ бригада коллективи муносиб ҳисса қўшди. Бригада планни 120 процентдан адо этмоқда. Валерий Миншинец, Андрей Шнайдер, Виталий Бабанцев, Николай Черноок сингари қурувчилар нормаларини доим бир яримикки баравардан бажариб, меҳнатда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

Оржоникидзе райони.

АБДУЛЛА АКА БРИГАДАСИДА

... ЕРГА, деҳқончилик касбига ёшлигидан меҳр қўйган Абдулла айрим тенгдошлари каби инженер, шифокор ёки ўқитувчи бўлишни орзу қилиб ўтирмади. Мактабни битирибоқ қўлига кетмон олди-ю далага отланди. Немис фашистлари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган йилда мўйлаби эндигина сабза урган, ёшгина йигит кўплар қатори она юрт ҳимоясига отланди. У Сталинград бўсағаларида, Курск ёйида, Қора денгизда ва Украинада бўлиб ўтган жангларда қатнашди. Ватан ўғлонлари сафида бир қатор шаҳарларни душмандан озод қилди...

Ғалаба билан қишлоғига қайтган Абдулла яна қўлга кетмон олди. Бутун кучини, ғайратини осуда меҳнатга— эл дастурхонини даланинг сархил ноз-неъматлари билан бойитишга сарфлади. Кейинчалик унга ишониб бригадирликни топширишди. Абдулла колхоз раҳбарлари умидини оқлай олди. У бошчилик қилаётган бригада қарийб ўн йилдан бери план топшириқларини муттасил ортиғи билан бажариб келмоқда.

Ўтган 1985 йилда ҳам бригада коллективи катта ютуқларни қўлга киритди. Карамдан 354 тонна ўрнига 596 тонна, помидордан 502 тонна ўрнига 509 тонна, ош лавлагидан 110 тонна ўрнига 115 тонна ҳосил кўтарган деҳқонлар эл дастурхонига жами 1570 тонна сабзавот, 202 тонна картошка ҳадя этдилар. Бу планда кўрсатилганидан анча кўпдир.

Абдулла ака Азимов ўзи бошчилик қилаётган бригада фаолиятидан сўз очгудай бўлса Жўра Аброров, Мовжуда Асророва, Ислом Аҳмадбеков, Насиба Каримова каби ўтюрак колхозчилар ҳақида, айниқса, тўлқинланиб гапиради. Чунки бригада қўлга киритаётган муваффақиятларда уларнинг қўшаётган ҳиссаси анча салмоқли.

Тошкент районидаги Ильич номли колхозда меҳнат қилаётган Абдулла ака Азимов бригадаси янги йилда ҳам баракали ҳосил етиштириш учун курашяпти.

Т. ЖУРАЕВ.

Илм-фан муассасаларида

«ПРОТВА» ТАҲЛИЛНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Кейинги йиллар ичида Ўзбекистон «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ғўзанинг истиқболли навларини етиштириш борасида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу мақсадда бирлашмада яратилаётган автоматлашган система ғўзани турли бўлаклларда муфассал ўрганишга ёрдам беради. Тола, чигит, ғўза барги, поя, илдизнинг тасвирини электрон ҳисоблаш машинасида статистик таҳлил қилишга асосланган бу автоматик қурилма — «Протва»ни монтаж қилиш бошланди.

Илгари ғўзапоянинг кичик кесимларини фақат Москвадаги Бутуниттифоқ оқсил синтези илмий тадқиқот институтидагина ўрганилаётганлиги ҳисобга олинса, тошкентлик олимлар қўлга киритган ютуқнинг моҳияти янада яққолроқ кўзга ташланади.

Тадқиқотчилар янги қурилма анализ ишларини тез, сифатли ва аниқ бажариши билан хулосани жадаллаштиради, деган аниқ фикрга келдилар. Унинг натижалари вильтга ва қурғоқчиликка чидамли, тезпишар ғўза навларини яратишга кенг йўл очади.

ЧЎЛЛАР ЧАМАН ОЧДИЛАР

Олимларнинг республикамиз территориясидаги қақроқ чўлларни бўстонга айлантириш йўлидаги изланишлари зое кетмади. Бепоён саҳроларга сув чиқариш муаммолари анча жадаллик билан ҳал этилмоқда. Хусусан, В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригациялаш илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган комбинациялашган дренажлар тармоғи бу жиҳатдан катта аҳамият касб этмоқда.

Янги система чўлларга сув чиқаришни мавжудларидан икки баравар арзон туширишидан ташқари, тузилишининг соддалиги ва ўрнатилишидаги қулайлиги билан ҳам афзалдир. Бу конструкция туфайли ноёб металлар ўрнига пластмасса, асбестцемент, керамик буюмлардан кенг фойдаланилмоқда.

Комбинациялашган дренажлар тармоғи энергияни тежашдаги муҳим янгилик ҳамдир. Эски усулдаги тик дренажларда йилига суғорилаётган бир гектар чўл зонаси учун 700—800 киловатт соат электр энергияси сарфланиб келинган бўлса, эндиликда истеъмолчилар бу сарфиётдан ҳоли бўлдилар.

Институт олимлари яратган янгилик республикамизнинг Қарши чўлларини ўзлаштиришда катта қулайлик яратмоқда.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

◆ Минск шаҳрида лангар билан сакраш устаси В. Булатов хотираси совғини учун анъанавий мусобақалар ўтказилди. Енгил атлетика бахсларида иттифоқимиз ҳамда болгариялик спортчилар иштирок этдилар.

Турнирнинг биринчи куни баландликка сакраш секторида бахслар қизиб кетди. Киевлик А. Котович 2 метру 34 сантиметр баландликдан сакраб ўтиб, биринчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида эса тошкентлик Е. Бутуэова ашхободлик Г. Бригадная билан бир хил натижа (192 сантиметр) кўрсатиб биринчи бўлишди.

Анъанавий мусобақаларда кўпчилик лангар билан сакровчиларнинг чиқишини орзиқиб кутар эди. Чунки одатда В. Булатов хотира совғини учун ўтказиладиган турнирда ана шу турда энг юқори натижалар қайд этилади. Бу турда ҳам тошкентликлар энг юқори натижаларни кўрсатдилар. Р. Гатауллин 5 метру 70 сантиметр натижа кўрсатиб хотира совғини соҳиби бўлди. Яна бир вакилимиз — В. Ишутин 5 метру 65 сантиметрлик баландликни забт этиб халқаро классдаги СССР спорт мастери нормативини бажарди.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

◆ Шайбали хоккей бўйича мамлакат чемпионати биринчи лига командаларининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Винокор» хоккейчилари ўз майдонида Минскнинг «Динамо» коллективини қабул қилдилар. Биринчи учрашувда минскликлар 5:3 ҳисобида ғалаба қозондилар. Такрорий ўйин эса 4:4 ҳисобида якунланди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

● **НЬЮ-ЙОРК**

Совет Иттифоқи таклиф этган ядро қуролини бутунлай тугатиш программаси — қуролсизланиш соҳасида шу вақтгача ўртага қўйилган барча ташаббусларнинг энг муҳимидир, деди АҚШ тинчлик кенгашининг ижроия директори Майкл Майерсон. Совет таклифлари Америка тинчлик тарафдорлари ҳаракатига жуда катта омил бағишлайди. Бу ҳаракатнинг ҳозирги вақтдаги асосий вазифаси — Рейган маъмуриятини ўз ихтиёри билан ядро синовларини тўхтатган ва унинг муддатини чўзган Совет Иттифоқидан ўрнак олишга мажбур этишдан иборат, деб таъкидлади Майерсон. Синовларни тўхтатиш — бу қуролланиш пойгасини тўхтатиш — демакдир, чунки бунда қурол-яроғларнинг янги турларини яратиш мумкин бўлмай қолади. АҚШ тинчлик кенгаши мамлакатнинг барча тинчликсевар кучларига мурожаат қилиб, уларни президент Рейгандан М. С. Горбачев билан ўтказиладиган олий даражадаги навбатдаги учрашувда ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида битимга эришишни талаб қилишга даъват этди.

● **ОТТАВА**

Бу йил Канада территорияси устида Американинг тўртта қанотли ракетаси учириб синаб кўрилади. Канада қуролли кучлари қўмондонлигининг ахборотида хабар қилинишича, эртага ана шу синовлардан биринчиси ўтказилади. Ракета Б—52 бомбардимончи самолётидан Бофорт денгизи устида учирилади ва у 2,5 минг километр масофани учиб ўтиб, Алберта вилоятидаги Колд Лэйк полигони районида ерга қўниши керак. Канада ҳарбий — ҳаво кучларининг қирувчи самолётлари ана шу синов вақтида ракетанинг душманнинг ҳаво ҳужумидан мудофаасини ёриб ўтиш қобилиятини текшириш учун уни даф этмоқчи бўлиб ҳаракат қилиб кўради. Бунинг учун қолган учта синовда Американинг қирувчи самолётларидан фойдаланиш мўлжалланади.

Канаданинг географик ва иқлим шароити СССР территориясиникига ўхшаш бўлганлиги учун Пентагон унинг территориясини қанотли ракеталарни синаб кўрадиган майдон сифатида танлади. Ўтган йили Американинг «Боинг» компанияси тайёрлаётган «Ҳаво — Ер» классидаги қанотли ракеталар тўрт марта синаб кўрилди. Канада тинчлик тарафдорлари бундай синовларга қарши кенг кўламда норозилик намойиши ўтказдилар ва улар синовларнинг ифвогарлик мақсадида эканлигини уқтирдилар. «Гринпес» атроф муҳитни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти Канада бўлимининг вакили Канада тинчлик тарафдорлари Пентагон қанотли ракеталарни яна синаб кўришига қарши янги норозилик тадбирларини ўтказадилар, деди.

● **ТОКИО**

Осака шаҳрида Умумяпония ўқитувчилар касаба союзининг маориф масалаларига бағишланган йиллик конференцияси очилди. Конференция қатнашчилари ҳукуматдан педагоглар ва ота-оналар ташкилотларига Японияда маориф ислоҳотига тайёргарлик кўришда қатнашиш имкониятини беришни талаб қилдилар. Ҳозирги вақтда Накасонэ ҳукумати ислоҳот лойиҳасига оид ишлардан уларни четлаштирмоқда. Ҳукуматнинг ўқитувчилар фаолиятини бутунлай ҳокимият назоратига ўтказиш нияти конференцияда норозилик уйғотди. Ҳукумат ўз мақсадини амалга ошириш учун махсус ҳукумат комиссиялари тузишни мўлжалламоқда.

(ТАСС).



ВАШИНГТОН. Америка пойтахтидаги ЖАР элчихонаси олдида «Апартеид йўқотилсин!» шиори остида Жанубий Африка ирқчи режими сиёсатига қарши оммавий намойиш ўтказилди. Унда таниқли жамоат арбоби, тинчлик учун Нобель мукофотининг лауреати, Жанубий африкалик епископ Десмонд Туту иштирок этди. Унга бир миллион нафардан кўпроқ америкалик имзо чеккан «Озодлик мактуби» топширилди. Бу мактубда ЖАР туб аҳолисининг апартеидга қарши кураши қўллаб-қувватланган. Суратда: Десмонд Туту «Озодлик мактуби» билан.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ЯМАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАЗИЯТ

ҚУВАЙТ, 20 январь. (ТАСС). Аданда ҳамда Яман Халқ Демократик Республикасининг бошқа бир қанча районларида ўтган қунлар давомида бир-бирига қарама-қарши гуруҳлар ўртасида аввалгига нисбатан камроқ кўламда бўлса-да, қуролли тўқнашувлар давом этди. Шу сабабли вазият мураккаблигича қолмоқда. Бу ерга келаётган хабарларга кўра, Яман Халқ Демократик Республикаси пойтахтида энергия ва сув таъминоти, телефон алоқаси ишдан чиққан, озиқ-овқат танқислиги сезилмоқда. Шаҳар анча вайрон бўлди. Сўнгги кунларда юзлаб чет эллик гражданлар денгиз орқали Аданда эвакуация қилинган.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ВЕНА. Австрия ички ишлар министри Карл Блеха ўтган йил охирида Вена яқинидаги халқаро аэропортда амалга оширилган террорчилик ҳаракати билан гўё Ливия бирон бир тарзда боғланган, деган даъволарни қатъиян рад этди. У Австрия телевидениеси орқали гапириб, бундай даъволарни тасдиқловчи ҳеч қандай факт йўқ, деди. У шуни ҳам таъкидладики, Австрия ҳукуматининг фикрича, «Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш учун таъсирчан чоралар» кўриш зарур. Жумладан, барча манфаатдор томонлар иштирокида халқаро конференция чақириш шу мақсадга хизмат қилган бўлур эди.

БАЙРУТ. Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, Исроил қўмондонлиги Бекаа водийсининг жанубий қисмига кўп миқдорда ҳарбий техника ташлаб, уни қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»га топширди. Ўнлаб танклар ва бронетранспортерлар Тель-Авив босиб олинган Ливан территориясида вужудга келтирган «хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зона чегараси бўйлаб позицияларни эгаллади. «Ас-Сафир» газетаси бу тайёргарликларни яна бир ҳарбий авантюрага ҳозирлик кўрилаётганлигининг хатарли белгиси, деб баҳолади.

Ливан қаршилик кўрсатиш ватанпарварлик фронтининг жангчилари босқинчиларга зарбалар уришни давом эттирмоқдалар. Ўтган кунлар мобайнида улар Маржаюн ва Набатия районларида Исроил позицияларига ҳужум қилдилар. Босқинчиларнинг аскарлари ва техникасига талафот етказилди.

ГАВАНА. Гаитининг турли жамоат, сиёсий, диний доиралари кенг халқ оммасининг Жан-Клод Дювалье мустабид режимига қарши норозилик ҳаракатига тобора актив қўшилмоқдалар. Бу режим Вашингтон ва ажнабий капиталнинг молиявий мадади билангина ҳокимият тепасида турибди. Пуэрто-Принсипи шаҳрида медицина ходимлари миллий уюшмасининг фавқулодда ассамблеяси бўлиб ўтди. Ассамблея қатнашчилари Гаитида қашшоқлик ва социал адолатсизликка қарши тобора кенгайиб бораётган миллий норозилик ҳаракатига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Корхона эгалари ҳам режимнинг жабр-зулм сиёсатидан кескин норозилик билдирмоқдалар. Бундай сиёсат натижасида мамлакатда социал кескинлик кучайиб бормоқда.

(ТАСС).

Ливия теварагида

ВАЙРУТ, 20 январь. (ТАСС). Ливия революциясининг раҳбари М. Каддафи АҚШнинг Ливияга қарши камситувчи чораларини «иқтисодий уруш» деб атади. У «Ан-Наҳор ал араби ваддували» ҳафтаномаси мухбири билан суҳбатда авж олдирилиб юборилган душманлик кампаниясининг сабаби Ливия Фаластин халқининг адолатли ишини ва араб миллати бирлигини қўллаб-қувватлаётганлигидадир, деди. Арабларни пароканда қилишга, араб мамлакатларини ўзининг танҳо таъсир ўтказиш районига айлантиришга интилаётган Қўшма Штатларга бундай позиция ёқмаяпти. Арабларни заифлаштириш ҳамда уларни Америка — Исроил гегемончилигига бўйсундириш мақсадида бошқа араб мамлакатларига қарши ҳам келгусида худди шундай иқтисодий қамал қўлланилиши мумкин, деб уқтирди М. Каддафи.

ТРИПОЛИ, 20 январь. (ТАСС). Бу ерда нефть монополияларига қарши курашувчи доимий комитетнинг мажлиси тугади. Мажлисда Америка империализми ва сионизмнинг тўхтовсиз давом этаётган дўқ-пўписалари, шунингдек Вашингтоннинг Ливия жамоатчиликларига қарши иқтисодий жазо чораларини жорий этганлиги муҳокама қилинди.

Тарқатилган баёнотда Қўшма Штатларнинг Ўрта денгиздаги ҳарбий тайёргарликлари қатъиян қораланади, Ливия араб социалистик халқ жамоатчиликларига қарши агрессия қилинган тақдирда бутун жавобгарлик тўла-тўкис ва батамом Америка маъмурияти зиммасига тушади.

АНҚАРА, 20 январь. (ТАСС). Туркия Ливияга нисбатан Америка позициясини тутмайди. Туркия бош министри Т. Озал ўтган ҳафта охирида Туркияга келган АҚШ давлат секретарининг биринчи ўринбосари Ж. Уайтхедга буни яна бир бор айтди. Т. Озалнинг АҚШ президентига йўллаган мактубида Туркиянинг Ливия билан муносабатлари олис ўтмишга илдиз отганлиги қайд этилади. Туркия бу мусулмон мамлакатини иттифоқчи, деб билади.

Адабиёт ва санъат

БУГУНГИ САҲИФАДА:

◆ ЯНГИ САТИРИК КОМЕДИЯ ◆ НАЗМ ШАЙДОЛАРИГА ◆ ТАНИШИНГ: ЕШ ИЖОДКОРЛАР.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари амалда

МАНСАБПАРАСТНИНГ ИНҚИРОЗИ

«ЗЎЛДИР» ПРЕМЬЕРАСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Яхши асарнинг умри узун бўлади. Драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов «Зўлдир» номли сатирик комедиясини 1972 йилда ёзган эди. Комедия М. Уйғур номидаги Сурхондарё область музикали драма театри ва А. П. Чехов номидаги Самарқанд рус драма театрида ўзига хос саҳналаштирилиб, томошабинларни хушнуд этди. Яхши пьеса ҳар қачон режиссёр ва актёрлар учун ижод булоғи бўлиб, ҳамма даврларда ўзининг янги-янги қирраларини намоён қилаверади. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музикали театри давр талабидан келиб чиқиб сатира яратишга аҳд қилар экан, «Зўлдир»ни танлаб, унда музикали саҳна асари яратиш учун имконият етарли эканини жуда тўғри пайқади. Шеърий текстларни Ҳамид Ғулом ёзди, музикасини эса ёш, истеъдодли композитор Мустафо Бафоев басталади. Асарни саҳналаштириш учун Фарғонадан тажрибали режиссёр Носир Отабоев таклиф этилди.

Албатта, драма театри учун ёзилган асарни музикали қилиш осон иш эмас. Бундай ҳолларда музика кўпинча шоҳи сўзанага тушган ямоқдай бўлиб қолади. Аммо «Зўлдир»да, агар бир-икки ўринни ҳисобга олмаса, музика пьеса мазмунини тўлдиради, спектаклда сўз билан бирга табиий жаранглайди, саҳнавий образларни яратишда фаол хизмат қилади. Бунга сабаб драматург, композитор ва режиссёрнинг якдиллигидир.

Ижодий ҳамкорлик самараси ўлароқ Муқимий театри саҳнасида музикали сатирик комедия яратилди. Албатта, бундан олдин ҳам мазкур театрда бу хилдаги спектакль яратиш бўйича тажрибалар ўтказилган эди. Бироқ «Зўлдир» ҳам мавзуининг ижтимоийлиги, ҳам жиддий кулгуга асосланганлиги, ҳам бадиий пухталиги билан театрда янгилик деса бўлади.

Дарҳақиқат, томошабин актёрларнинг сўз ўйинлари ёки қилиқларидан кулмайди, балки саҳнавий ҳаракатни, персонажлар феъл-атворини кузатиб кулади. Баъзан шарақлаб, баъзан мийигида кулади, баъзан эса кулги ўрнини истеҳзо ва ҳатто нафрат эгаллайди. Постановкачи-режиссёр Носир Отабоевнинг нияти ҳам шу бўлган.

Спектаклни тайёрлаш жараёнида ўртамизда шундай гап бўлиб ўтгани эсимда:

— «Зўлдир»ни жиддий планда саҳналаштиряпман. Томошабиннинг ичаги узилгунча кулиши шарт эмас-ку. Онда-сонда бир кулиб қўйсаям бўлади. Энг муҳими, спектакль уни ҳаёт ҳақида ўйлашга ундасин, яхшиликка даъват этсин. Шундаймасми?

— Тўғри ўйлабсиз,— дегандим мен,— айниқса, сатиранинг табиати шундай,— у ҳар кимда ва ҳар қачон ҳам кулги қўзғотавермайди. Баъзан сатира нишонга тегса томошабин театрдан ранжиб чиқиб кетиши мумкин...

Хуллас, «Зўлдир» ижтимоий ҳаётдаги катта камчиликларни рўй-рост фош этувчи жиддий саҳнавий ҳажвия бўлди. Унда мансабпарастлик ижтимоий иллат сифатида қаттиқ қораланади, юқоридан суяб турувчиларга таяниб яшовчи, бирон соҳани ҳам пухта билмаса-да, сафсатабозлик ва сўзамоллик билан иш юритувчи усти ялтироғу, ичи қалтироқ Ворисов сингари сохта раҳбарларнинг кирдикорлари фош қилинади. Бир пайтлар кимнингдир тавсияси билан раҳбарлик курсисига ўтирган Мерос Ворисов ишдан ишга, лавозимдан лавозимга кўчиб, баайни зўлдирдай ғилдираб юраверади. Борган жойида ташаббус кўрсатмоқчи бўлади-ю, бироқ соҳани билмаслиги, маиший бузуқлиги, мансабни суиистеъмол қилиши туфайли ишни издан чиқаради ва ими-жимида яна бошқа бир вазифага учиб ўтади.

Саҳна ўртасида баландликда кумушдай товланиб турувчи амалдор курсиси. Орқада Ворисов фаолияти географиясини кўрсатувчи катта харита осиғлиқ. Саҳнада Ворисовнинг раҳбарлик «фаолияти»дан беш лавҳагина кўрсатилади, холос. Бироқ саҳналар орасида харитада яна бир қатор нуқтакунгиралар пайдо бўлади. Унга қараб туриб Ворисов бормаган жой, у қилмаган иш қолмабди, дейсиз. Ворисов қадами етган ҳар янги жойда амалдор курсиси ўша-ю, стол ўзгаради. Қисқаси, бунда образли ечимни кўрамиз. Айниқса, воқеалар давомида амалдорлик курсиси муайян маъно касб этади. Ворисов ҳар сафар уни силаб-сийпалайди, ўтирганда роҳат қилади, ўзини улуғвор сезади. Ворисов каби учқур, ичи пўк Ҳокимов, устамон Мавлонзодалар ҳам курсига сажда қилишади. «Комхоз» кўринишида курси тескари бўлиб, қабр тошини эслатади. Бу билан режиссёр Ворисовнинг амалдорлик фаолияти инқирозга юз тутганига ишора қилади.

Пьеса ва спектаклда мураккаб бир сюжет йўқ. Мансабпараст «фаолияти»дан олинган саҳналар Ворисов, унинг кушандаси Ҳокимов, бир пайт қишлоққа ташлаб кетган ўғли Шоди, кичик хотини Хотима образлари билан боғланади.

Музика ҳам бадиий яхлитликкa хизмат қилади. Зўлдир-Ворисов темаси мусиқий муқаддимада яхши ифода қилинган бўлиб, воқеалар давомида қайтарилиб турады. Қатор қўшиқ, ҳажвий дуэт ва триолар яратилган. Аксар улар вазиятга мос, характерга хосдир. Композитор М. Бафоев режиссёрнинг таклифи билан оҳангдор, ҳар бири ўзича тугал хореографик лавҳалар тайёрлаган.

Спектаклнинг марказида — Ворисов. Актёр Фазлиддин Фаёзов уни дид билан кийинадиган, хушбичим, ўзига зеб бериб юрадиган олифта қилиб кўрсатади. Қўлида дипломат-портфель. Билмаган уни яхши одам, ажойиб раҳбар бўлса керак деб ўйлайди. Аммо актёр қаҳрамонни саҳналар ичидан олиб ўтаркан, бу соқтисумбат алдамчи эканини, аслида, бу сафсатабозлик билан кун кўрувчи ўтакетган амалпараст кимсалигини очиб ташлайди. «Овоз ёзиш студияси»да Ворисовнинг жон куйдирмай, роҳат-фароғатда яшашга интилишини, «Музей» саҳнасида матншунослик нималигини билмайдиган чаласаводлигини, «Овчилар жамияти»да ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйишини, «Театр» кўринишида ўзига яраша ҳийлагар, шу билан бирга калтафаҳмлигини, «Комхоз» идорасида ўзидан юқоридагиларга нисбатан хушомадгўйлигини кўрамиз.

Драматург ва театр ҳар бир идорадаги Ворисовдай учарлар тегирмонига сув қуювчи кимсалар устидан ҳам кулади. Енгилтак Пардагул (М. Каримова), юмшоқ супурги Чўқморов (Ш. Рўзнохунов), хушомадгўй Бўрибой (Т. Бекназаров) шу жумласидандир. Бу тоифа типлар ичида Мавлонзода образини алоҳида таъкидлашни истардим. Актёр Суръат Пўлатов тегирмонга тушса бутун чиқадиган, ҳожатбарор, ўзига яраша фаол, куйди-пишди, ёзувчи деган ном қозониш учун ҳар нарсага тайёр бир шахс образини кулгили қилиб яратади.

Аммо ҳамма жойда яхши одамлар кўп. Улар Ворисовнинг асл қиёфасини дарҳол пайқайдилар. Ворисов ҳамма ерда даккиейди. Студияда камтар ва софдил Бозоров (С. Раҳимжонов) Ворисовнинг баландпарвоз гапларидан истеҳзо билан кулади, музейда Ворисов донишманд Нусрат домла (М. Юнусов) билан ўз ишига астойдил берилган Бекпошша (Н. Пўлатова) қаршилигига дуч келади, овчилар жамиятида котиба Хуршида (Ж. Иўлдошева) ўз лукмалари билан Ворисовнинг ношуд раҳбарлигини фош қилади, театр саҳнасида эса бутун бадиий совет аъзолари олдида шарманда бўлади.

Спектаклда Ворисов билан турли хил идоралардаги яхши кишилар ўртасидаги зиддият қайд этилади, албатта. Бироқ асосий конфликт Ворисов билан Ҳокимов ўртасида қурилган. Ворисов бир умр «раҳбарлик» қилган бўлса, Ҳокимов бир умр мансабга интилган-у, бироқ Ворисов унинг йўлига тўғаноқ бўлиб келган, мансабга энди етай деганда, Ворисов юқоридаги таянчлари ёрдамида унга чап бериб кетган. Ҳокимов ҳам чаккимас, Ворисовнинг кушандаси, изма-из юриб бевосита ёки ўз кишилари орқали уни обрўсизлантиришга уриниб келади. Бутун хатти-ҳаракати билан у — салбий тип. Аммо Шуҳрат Расулов ижросида уни на ижобий, на салбий деб бўлади. Нияти номаълум, характери ноаниқ. Бунинг устига унга Ворисовни фош этувчи «Зўлдир, зўлдир» деган қўшиқ ҳам бериб қўйилган.

Драматург ва театр Шоди образини Ворисовга қарамақарши қилиб беради. Ворисов беш йил давомида лавозимдан лавозимга кўчиб жамиятга нуқул зарар етказади, бу орада Шоди ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор қозонади. Ёш актёр Абдуқодир Худдиев ота дийдорига зор Шодининг маъзнавий ўсишини таъсирли тасвирлайди. Дастлабки саҳнадаги ўта тортинчоқ, содда қишлоқ йигити сўнгги кўринишда зиёлилардай кийинган, ўзига ишонган мағрур инсонга айланган.

Ворисов изидан қувиб, йўли Шоди билан кесишиб турган Хотима, афсуски, нопок йўлни танлайди. У нима қилиб бўлмасин институтга жойлашмоқчи. Шу мақсадда Ворисовга танмаҳрам бўлади. Аммо ҳеч нимага эришолмайди. Ёш актриса М. Тўраева Хотиманинг тантиқлигини, афсус-надоматини яхши тасвирлаган.

Театр ворисовчиликнинг таназзулга учрай бошлаганини таъкидлайди-ю, бироқ Ворисов устидан ҳукм чиқармайди. Ворисов айланаайлана яна овоз ёзиш студиясига келиб қолади. Бироқ аввалги шашти йўқ, ҳомуш, Пардагулнинг ишваларига ҳам парво қилмай курси томон ўтади. Театр бу билан Ворисовлар тагига сув кетди, бироқ улар яшовчан, бундайларга қарши курашни давом эттириш зарур, демоқчи бўлади.

Постановкачи-режиссёр Носир Отабоев композитор ва ўзи дирижёрлик қилган Мустафо Бафоев билан ҳамкорликда спектаклнинг томошаблигини ҳам ўйлаганлар. Ҳар кўринишда Ворисов руҳий ҳолати ва характерига мос хореографик лавҳалар берилади: ритмик рақс, шарқча чўрилар рақси, ёввойи ҳайвонлар ўйини, балет, шайтон ва ғилмонлар парвози. Ушбу хореографик чиқишлар Ворисовнинг шахсиятпарастлик психологиясини ёритишга хизмат қилади.

Ҳар ҳолда Муқимий номидаги музикали театрда ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни, салбий ҳолатларни баралла фош этиб, коммунистик идеални тарғиб қилувчи бақувват саҳна асарларидан бири яратилди

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор.

ТОШКЕНТ театрларида

САНЪАТКОРЛАР ДАВРАСИДА

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Мавлуда Ғуломова қўғирчоқ театрига катта ёшдагиларни ҳам жалб қилиш, улар учун спектакллар яратиш тўғрисидаги мулоҳаза ва таклифларини коллектив йиғилишида ўртага ташлади. «Ўтган кунлар» бадиий фильмидаги халқ орасида намойиш қилинган бир эпизодни мисол келтирди. Давраданги томошабинларнинг аксарияти катта ёшдагилар эканлигини эслатди. Умуман, қўғирчоқ театри томошаларини катталар ўртасида оммалаштириш анъанасини давом эттиришни тавсия қилди. Янглишмаган экан, кўпчилик уни қўллабқувватлади. Тажриба сифатида П. Неруданинг «Хоакин Мурьетининг юлдузи ва ўлими» асарини саҳналаштиришга киришилди.

Ниҳоят, синов даври келди. Янги йўналишдаги бу асар театр меҳмонлари — катта ёшли томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Бу муваффақиятда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Ғуломованинг ҳам ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. У спектаклдаги бош қаҳрамонлардан бирининг образини маҳорат билан жонлантирди.

— Айни кунларда коллективимиз катталар учун яна бир спектакль тайёрламоқда,— дейди у.— Ҳадемай Г. Боровик пьесаси асосида саҳналаштирилган «Агент-00» номли асар репертуаримиздан ўрин олади. Менга мазкур спектаклдаги бош қаҳрамон — Хонимча образи топширилди. Лекин бунда кичкинтойларни унутаяпмиз, деган мазмун келиб чиқмаслиги керак. Асосий вазифамиз — халқ эртакларини саҳнада талқин этиб, кичкинтойларни жамиятимизнинг етук кишилари қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат бўлиб қолаверади.

Дарвоқе, театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган «Кенжа қиз», «Ўткир шохли буқача», «Ойгул билан Бахтиёр», «Сеҳрли кийик», «Ойни ким ўғирлади», «Семурғ», «Сирли най», «Насриддиннинг қирқ бир пашшаси», «Менинг дўстим — офтоб», «Бўғирсоқ» каби асарларнинг ғояси ана шу мақсадларга йўналтирилган. Халқ оғзаки ижоди асарлари негизида вужудга келган бу спектакллар Ватанга муҳаббат, дўстга садоқат, душманга нафрат, меҳнатсеварлик билан суғорилганлиги сабабли кичик томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ўз навбатида театр коллективи зиммасига масъулият юклаб, актёрларнинг ўз маҳоратларини тинмай ошириб боришга даъват этмоқда.

— Биласизми,— дейди у,— баъзи кишилар бизнинг вазифамизни фақат парда ортидан қўғирчоқларга овоз беришдангина иборат деб ўйлашади. Лекин бу ончалик тўғри эмас. Биз парда ортида бир йўла икки вазифани бажарамиз. Биринчидан, воқеалар ривожига кўра қўғирчоқларни ҳаракатлантирамиз; иккинчидан, уларнинг хатти-ҳаракатларига монанд овоз берамиз. Бу жараёнда қўғирчоқ — рамзий қаҳрамонларнинг ўзига хос характери, ички дунёси ва руҳий ҳолатини таъсирчан ифодалай билишимиз шарт. Акс ҳолда сунъийликкa йўл қўйилади, бу шубҳасиз, томошабинга ҳам ёқмайди.

Мавлуда Ғуломова тажриба орттирган сари янгиянги образлар ярата бошлади. Есуман, Паризод, Ойгул, Асал каби қаҳрамонлар, Буқача, Кийик, Айиқча, Бўғирсоқ, Мушук сингари мажозий образлар шулар жумласидандир.

Ҳақиқий санъаткор эришилган муваффақиятлари билан кифояланиб қолмайди, албатта. Аксинча, у ўз истеъдодининг янги қирраларини намоён қилишга интилади.

— Ҳали олдимизда ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас,— дейди М. Ғуломова кўнгилчаклик билан.— Ҳозирга қадар репертуаримиздан ўрин олган асарларнинг аксарияти таржима қилинган асарлар ва халқ оғзаки ижоди асосида саҳналаштирилган спектакллардир. Ёзувчиларимиз қўғирчоқ театри учун замонавий мавзуларда махсус саҳна асарлари ёзиб беришларини кутяпмиз. Иккинчидан, бизнинг томошаларимизни асосан пойтахт аҳолиси кўради, холос. Менимча, театримиз ижоди билан республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳам танишишлари зарур. Бунинг учун ташкилий ишларни яхшилаш лозим.

Д. ҚОДИРОВА.

Суратда: Мавлуда Ғуломова саҳнада.

Бахши-шоир ижодидан

1985 йилнинг май ойида Хоразм область Шовот районида бахши-шоирларнинг VI республика кўрик-конкурси ўтказилди. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган шонли Ғалабанинг 40 йиллиги ва КПССнинг бўлажак XXVII съездига бағишланган бу ўзига хос ижодий мусобақада Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг бригада бошлиғи Чори бахши Хўжамберди ўғли ҳам иштирок этди. У ўзининг Буюк Ғалабага бағишланган янги термаларини маҳирона ижро этиб, иккинчи ўринга сазовор бўлди.

ЗАМОНАМ БАХШИСИМАН

Жонажон совет юртим, шараф—шоним,
Партиямдир суянчиғим, имоним,
Жаннат мисол мангу хуррам маконим,
Шу замоннинг бахшисиман, бахтлиман.
Беқиёсдир партиямнинг кўмаги,
Москвадир Ватанимнинг юраги,
Амалга ошмоқда халқим тилаги,
Довруғли эл бахшисиман, бахтлиман.
Партиянинг халққа қилган даъвати,
Ундан халқнинг жўшиб ошар ҳиммати,
Тенгсиз қудратлидир Совет давлати,
Совет юртин бахшисиман, бахтлиман.
Партия бош, олға кетди илму фан,
Тўсиқларни енгар халқлар дафъатан,
Ватаним бўлгандир тўкис бир чаман,
Совет халқин бахшисиман, бахтлиман.
Партиянинг зўр ҳислати—эллпарвар,
Замин бўйлаб тинчлик сўзи жаранглар,
Чори шоир жўр бўп дўстликни куйлар,
Тинчпарвар халқ бахшисиман, бахтлиман.

ҚАРШИ МЕРГАН

Душман қаршилигин писанд қилмаган,
Ёвузлар, деб борин кўзга илмаган,
Қўрқиш нималигин асло билмаган,—
Қарши мерган уруш қилган халқ учун.
Жангга кирса қони таниндан тошиб,
Ғанимлар қочарди тоғлардан ошиб.
Кўрганда қоларди аблаҳлар шошиб,—
Қарши мерган жангга кирган халқ учун.
Ботир йигит оғир жангга кирганда,
Фашистларни бир бошидан терганда,
Ҳар енганда шод бўб кўкрак керганда
Фикри-зикри қаратилган халқ учун.
Совуқ нима, иссиқ нима барибир,
Душманларин титратар эди зир-зир
Олмос қилич, найза, милтиқ-ла бир-бир
Ер тишлатгач, азиз бўлган халқ учун.
Айтаверсам: кўпдир жасоратлари
Оғиздан қўймайди ёру дўстлари.
Шундан ҳануз парвозда сулҳ каптари,
Жонин фидо қилган Ватан, халқ учун.

ЧОРИ БАХШИ Хўжамберди ўғли.
Ёзиб олувчи А. ЭРГАШЕВ.

ОҚ ЙЎЛ!

Ашурали Боймуродов Бекобод педагогика билим юртида ўқитувчи. У шеъриятга мойил, умид билан шеърлар ёзади. Республика матбуотида ҳам кўриниб турибди.

Ижод — оғир меҳнат, машаққатлар маҳсули. У узоқ ўқиш-ўрганишлар, изланишлар эвазига яратилади. Назаримда, Ашурали Боймуродов бу ҳақиқатни англаб олган, шундан келиб чиқиб шеърлар ёзмоқда. Биз ёш шоирга оқ йўл тилларканмиз, тиниб-тинчима, изланишдан толма, деймиз.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

БИР КУЙ

Шабада соз чалар,
Япроқлар созн.

Дилларга мос чалар,
Майин овози.

Майинлик сеҳридан
Борлиқ муаттар.

Япроқлар шивири
Фикримни тортар.

Кўксимни тутгайман,
Ҳавоси гўзал.

Бу кун табиатнинг
Навоси гўзал.

Шабада соз чалар,
Барглар рақсида.

Қалбимга майинлик
сингар оҳиста...

ДАЛАЛАР

Сиз — деҳқон тонгида айтилган қўшиқ,
Қуёшга ҳамоҳанг куйлайсиз жўшиб.
Сизга севинчларим айтгайман қўшиб:
Далалар, қувноқлик сизга муносиб.
Сиз офтоб қўйнида бамисли гўдак,—
Чалқанча ётганча тинглайсиз эртак.
Тунда юлдузларга боқасиз сергак,
Далалар, болалик сизга муносиб.
Чеҳрангиз офтобдан олгай тилло ранг,
Сиз сулув келинчак, юзлари таранг.
Севимли ёрингиз — деҳқондир, қаранг,
Далалар, гўзаллик сизга муносиб.
Меҳрингиз тафтидан ниш урган баҳор
Бутун табиатни аллалар бедор.
Қалбингиз қўридан туғилгай гулзор,
Далалар, оналик сизга муносиб.
Мен сиздан ўргандим мардлик, фидолик
Сизда мужассамдир юртга вафолик.
Сўлим баҳорларда кўрманг жудолик,
Далалар, оталик сизга муносиб.
Сокин оқшомларда ором олгайсиз,
Бизга эртак айтиб ўйга толгайсиз.
Наздимда нуроний куйлар чалгайсиз,
Далалар, боболик сизга муносиб.
Сиз оппоқ саҳифа — айтилмаган сўз,
Инсон умид билан тикар сизга кўз.
Сизга ёзилажак миллион-миллион сўз.
Далалар, буюклик сизга муносиб.

МАНГУЛИК ҚУШИҒИ

Ҳаёт томирлари оҳангга тўлиқ,
Куррамиз қалбидан таралар наво.
Офтоб ҳам бу куйдан кетаркан тўлиб,
Япроқлар, гиёҳлар кўксида садо.
Она—Ер сўзлайди жарохатидан,
Даврамиз кўксида оташга тўлиб.
Мангулик олови куйлайди мудом,
Йигирма миллионнинг овози бўлиб.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

ДЕРАЗАНГНИ ОЧ...

Деразангни оч. Янги тонг отди,
Ёш майсанинг товшин тингларсан.
Япроқ титраб ўзин йўқотди,
Уни тинглаб сирга сингарсан.
Деразангни оч. Табиатни қуч.
Ҳам гўдакдай беғубор кулгин,
Бундай тонгга келмагансан дуч,
Туйгин унинг меҳрибонлигин.
Деразангни оч. Кеча тарк этди,
Оғирдир бу, лек атрофга боқ:
Боғлар куйдай кўнгилга инди,
Дарахтзорлар очишди қучоқ.
Деразангни оч. Умидингни қуч,
Оламга боқ — эзгу ва гулгун.
Қай бир қалбда борлигинг — севинч,
Ҳар галгидай чиройли кулгин!..

Зарифа ЕШМИРЗАЕВА,
Тошкент райони.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

УКРАИНАЛИК ШОИР —МЕҲМОНИМИЗ

Украиналик таниқли шоир Юрий Александрович Сердюкнинг номи китобхонларга яхши маълум. У турли мавзудаги 15 га яқин китоб муаллифи бўлиши билан бирга ўзбек адибларининг асарларини ўз тилига таржима қилиб келмоқда.

Юрий Сердюк халқимиз ҳаёти билан танишиш мақсадида яқинда республикамизга келди, У Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Зб-ҳунар-техника билим юртида бўлди. Украиналик меҳмон бирлашма ишчиларининг фаолияти ва меҳнат шароити, дам олишларини қандай ўтказишлари билан қизиқди. Улар билан учрашувда совет халқларининг интернационал дўстлиги, украин—ўзбек адабий алоқалари, ўзининг ижодий режалари ҳақида ҳикоя қилди, янги шеърларидан ўқиб берди.

Р. ҒАНИЕВ.

МОСКВАДА НАШР ЭТИЛДИ

«ТЎРҒАЙ НАВОСИ»

Турсунбой Адашбоев икки тилда — ўзбек ва қирғиз тилларида ижод қилиб келмоқда. Шоир асарларини ҳар икки қардош халқнинг болалари севиб ўқимоқдалар. Т. Адашбоевнинг шеърларини шунингдек, рус, латиш, қозоқ болалари ҳам яхши билишади. Унинг шеърий тўпламлари латиш ва қозоқ тилларида ҳам нашр этилган.

Яқинда шоирнинг янги китоби «Тўрғай навоси» номи билан илк марта рус тилида чоп этилди. Уни Москвадаги «Детская литература» нашриёти босиб чиқарди. Тўплам «Олатоулик боламан» ва «Телефондаги суҳбат» деган икки бўлимдан иборат. Шеърларни Ю. Морис ва Ю. Кушак ўзбек тилидан рус тилига таржима қилганлар. Т. Адашбоев ўзининг самимий ва қувноқ шеърларида кичкинтойларнинг беғубор дунёсини бутун ранг-баранглиги билан тараннум этади.

М. САЪДИНОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ҲАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
КПССнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди олдидан
24, 25, 26 январь соат 20.00 да

«ГУЛЛА-ЯШНА, ОНА-ЮРТИМ»

ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Давлат хизмат кўрсатган «ЯЛЛА» вокал-чолғу ансамбли
Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. ЗОКИРОВ.
Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреати «САДО» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ
Бадиий раҳбар — В. БАРАМИКОВ.
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ЭСТРАДА ВА СИМФОНИК КУЙЛАР ОРКЕСТРИ
Бадиий раҳбар ва бош дирижёр — Д. ИЛЕСОВ, дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Е. ЖИВАЕВ.
Солистлар: Ўзбекистон ССР халқ артисти М. ШАМАЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. ШАРИПОВА, Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурсларнинг лауреатлари Н. НУРМУҲАМЕДОВА ва М. ТОШМАТОВ.
Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари: Н. ЧУРАДАЕВА, П. БОРИСОВ, К. ҚАЮМОВ, М. АЛИМОВА, Х. ИСРОИЛОВА, А. ШАРИПОВА, П. КЛИМАХИН, Л. МАКЕЕВ, И. МУШЕЕВ.
Программани — Людмила Бессарабова, Владимир ЛАПИН, Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Андрей ПЕТРОВЕЦ олиб борадилар.
БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/I да **Зебуннисо**, 23/I да **Куёв** (билетлар сотилган).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Р. 11536. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. Б. 1529.